



ISBN 978-9943-6409-1-7



9 789943 640917

WORLD LEADING AUTHORITIES  
INTERNATIONAL EXPERTS  
BY AROUND THE WORLD

THE  
THE  
THE

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЛИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

**“ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ  
МУАММОЛАРИ”**

*республика илмий-амалий конференцияси  
материаллари тўплами*

*(2020 йил 21 август)*

ТОШКЕНТ  
«O'ZKITOBSAVDONASHRIYOTI»  
2020

uzoqlashib ketgan bo‘lsa-da, fe’llarda analitik shakllarning ikkinchi qismi bo‘lib keladi: *-(i)b edi, -(i)b emish; -gan edi, -gan ekan, -gan emish; -sa edi, -sa ekan* kabi.

Umuman olganda, affiksoidlar masalasi tilshunoslikning morfemika sathini boyitib turgan birliklar sifati qaraladi. Mustaqil so‘zlarning morfem birliklar qatoriga qarab siljishi natijasida, o‘z ma’nosini qisman yoki to‘laligicha yo‘qotadi. Affiksoidlar shakl kengayishi va so‘z yasalishida faol ishtirok etadi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bahriddinova B.M. Hozirgi o‘zbek adabiy tili (o‘quv uslubiy majmua) – Toshkent, 2016.
2. Begmatov E., Kenjayeva S. O‘zbek ismlari ma’nosi. – T., 2007.
3. G‘ulomov A., Tixonov A., Qo‘ng‘urov R. O‘zbek tili morfem lug‘ati. – T., 1977.
3. Mirzaqulov T. Grammatika o‘qitishning lingvistik asoslari. – T., 1994.
4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildlik. –T., 2006-2008.
5. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – T.: Universitet, 2006.
6. Tojdiyev Y. O‘zbek tili morfemikasi. – T., 1992.
7. Mirtojdiyev M. O‘zbek tili semasiologiyasi. –Toshkent: Mumtoz so‘z, 2010.

Мархабо УМУРЗОҚОВА  
фил. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD)  
ТошДУТАУ

#### МАТНДА ВЕРТИКАЛ АЛОҚА ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Бадий матн, унинг турлари, қисмлариаро муносабат масалалари тилшуносликда етарлича тадқиқ қилинган. Бадий матнларни санъат асари намунаси сифатида ўрганиш, унга баҳо бериш умуминсоний тушунчалар, жамиятда қабул қилинган баҳо мезонлари асосида амалга ошади. Кўп ҳолларда ахборот берувчи ва уни қабул қилувчи ўртасидаги баҳо уйғун ҳолда бўлмаслиги мумкин. Матн яратувчисининг назарда тутган мақсадини уни қабул қилувчи ҳар доим ҳам тўғри англамаслиги мумкин. Бадий асар матнининг тўғри англанишида, эстетик завқ беришида унинг таркибланишида иштирок этган сўзларнинг семантик хусусиятлари, бадий тасвир воситаларининг тўғри қўлланилиши муҳим. Тадқиқотларда матн уйғунлигини таъминлашда асосан лексик ва синтактик воситаларнинг ўрни масаласига эътибор қаратилган, матннинг бир бутунлигини таъминловчи birlikларнинг вертикал муносабати эътибордан четда қолган.

Матн таркибида муаллифнинг яширинган ниятини етарлича англаш учун сўзларнинг маъносини англашнинг ўзи етарли эмаслигига М.Йўлдошев қуйидагича муносабат билдиради: “... Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, сўз ёки бошқа birlikнинг бадий матндаги поэтик, эстетик қимматини баҳолаш учун матндан узиб олинган кичик бир парча етарли эмаслиги янада ойдин бўлади. Эстетик белгининг моҳияти синтагматик ёки кенгрок горизонтал муносабатларда тўла намоён бўла олмас экан, вертикал муносабатлар ифодаси учун етарли бўлган яхлит бадий матн ёки матннинг йирикрок парчаси билан иш кўриш зарурийдир” [3.101-102]

Тилшуносликда матн қисмлари ўртасидаги алоқа икки турга бўлинади: горизонтал ва вертикал алоқа. Матн birlikларининг синтагматик муносабати горизонтал (тилшуносликда “линеар”

чизикли) муносабат ҳисобланиб, бу муносабат кенг тадқиқ қилинган. Бадиий матнда эстетик вазифа бирламчи ҳисоблансада, коммуникатив вазифа ҳам эътибордан четда қолиши мумкин эмас. Баъзан тил бирликларига юкланган вазифани тўғри англаш учун уларнинг вертикал (кўндаланг) алоқасига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлади. Ўзбек тилшунослигида парантез бирликларни тадқиқ қилган Д.Жамолиддинова парантез бирликларнинг матндаги вертикал алоқалари олдинги контекст билан ҳам кейинги контекст билан ҳам бўлавериши мумкинлигини мисоллар асосида далиллайди. Парантез бирликларнинг олдинги контекст билан ва айна пайтда ўзидан кейин келган бир неча хатбоши билан боғлиқлиги масалаларига эътибор қаратади. Парантеза бир нуктаи назардаги фикрни, асосий гап эса бошқа нуктаи назардаги фикрни ифодалайди, ана шундай икки фарқли коммуникатив йўналишдаги фикр ифодаси бир гап ёки матн доирасида бирлашиши, жамланиши парантезаларнинг матн шакллантирувчилик хусусиятидан далолат беради [2.43-48].

Ижодкор матн яратишда унинг қабул қилувчисининг имкониятларини ҳисобга олади, сўз қўллашда ҳам ўзининг, ҳам ўқувчининг англашини эътиборга олади, матнни ўқиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан ҳис қилади. Ўқувчи ҳам матннинг ҳажмидан келиб чиқиб, унга сарфланадиган вақтни олдиндан режалаштиради. Матннинг горизонтал тузилиши кетма-кетликда, қўлланилган бирликлар воситасида англаиб боради. Гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац матннинг структурал яхлитлигини таъминлашда асосий восита сифатида намоён бўлади.

Муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот нафақат матн мазмунини етарли даражада тушунишга, балки ёзувчининг ўқувчисуҳбатдошининг руҳиятига таъсир этиш режасини амалга оширишда муҳим восита саналади. Бу таъсирнинг амалга ошиши учун нафақат тил бирликларининг қўлланилиши, балки улар орасидаги алоқа, матннинг таркибий тузилиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Матн макроструктура сифатида нарратив, дескриптив, аргументли қисмлардан ташкил топади, яъни булар унинг горизонтал бўлакларини ташкил этади [4,43]. Вертикал

бўлакларни эса шу макроструктура қисмлари орасидаги бир-бирга занжирсимон бўлмаган алоқадир. Вертикал бўлакларни эса, В.А.Кухаренконинг таъбири билан айтганда, горизонтал бўлакларни ўз нуктаи назари билан қабул қилишдир.

Матндаги вертикал алоқа унинг таркибидаги бирликнинг ўзидан олдинги ёки кейинги контекстлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

*Ҳали мўртсиз. Пайт келар*

*Тўлин ойдай тўласиз.*

*Ишонинглар, ҳаммангиз*

*Катта шоир бўласиз* (У.Азим). Келтирилган шеърий парчадаги *катта шоир бўласиз* гапи 72 мисралаи шеърда 3 марта айнан, шеър охирида хулоса сифатида *катта шоир бўласан* ундов гап сифатида қўлланилган ва шеър мисралари орасида вертикал алоқани юзага келтириб, матн шакллантирувчи асосий восита сифатида қўлланган. Шоирнинг айнан бир гапни такрор қўллаши тингловчига нисбатан сўзловчидаги кучли ишонччи кўчириш, уларда ўзига нисбатан ишонч туйғусини шакллантириш учун хизмат қилган.

Бадиий матнларда ёзувчи бир сўзни қайта-қайта қўллаш орқали унинг қисмлари орасидаги боғлиқликни таъминлашга эришади. Қуйидаги мисолни матндан узиб олиб таҳлил қилайлик.

*Мактаб дарсларида қайта-қайта ўтилган “Фикр соҳиб-жамоли юзидан пардасини очди” деган гапнинг мазмуну моҳияти энди ақлимга етиб келаётган, ҳақиқатан ҳам, у сулувнинг ҳусну жамоли шунчалар мафтункор, инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб, ўзига тамомила маҳлиё қилар даражада жодугар, минглаб асаларилар тўплаган тоза бол каби хуштаъму шифобахш эканига ишонардим* (Исажон Султон. Генетик). Бу ўринда ёзувчи қўллаган сулув ва тоза бол сўзларига эътиборни қаратиш талаб қилинади. Қаҳрамоннинг бундай хулосага келиши учун қандай сабаб борлигини билиш учун олдинги воқеаларни ёдга олишга тўғри келади. Асар қаҳрамонининг болалигида қўшни боғдан топиб олган асалари уяси ва асал, уни олишдан келган узоқ қариндош қизга тортиқ этиши билан боғлиқ воқеалар ора-

сида вертикал алоқани таъминлайди. Китобхон асал, асаларининг яшаш тарзи уларнинг бол йиғиш жараёни ҳақида билимга эга бўлгандагина, қаҳрамоннинг ҳаётий фалсафасини англаб етади. Билимга эга бўлмаса, яширин мазмун, яъни вертикал контекст (кўндаланг, ҳаёлий дейиш тўғрироқ бўлар эди) юзага келмайди. Яъни ўқувчи олдинги ва кейинги матн қисмларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Матндаги вертикал алоқага ишора қилувчи бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга *энди*, *бошқача айтганда* кириш бўлаклари, *бу*, *ўша*, *ўшанда* каби олмошларни киритишимиз мумкин.

*Калласида яна галагул ўйлар. Бу сафар улар хотинининг қулоқда шангиллаган овози тарзида етиб келди* (А.Мухтор). Келтирилган мисолдаги *яна* сўзи қаҳрамоннинг аввал ҳам шундай ҳолатга тушганлиги ҳақидаги ахборотга ишора қилади. Китобхон воқеликни тўла англаш учун ишора қилинаётган контекстга яна қайта мурожаат қилиши мумкин.

Биз ўзбек тилидаги сегмент қурилмалари гапларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг матн билан фақат чизикли (горизонтал) эмас, вертикал алоқасини ҳам назарда тутиш лозим эканлигига эътибор қаратган эдик. Сегмент қурилмалари гапларда сегмент бўлак таркибида *мана*, *ўша* сўзлари қўлланганда аввал баён қилинган воқеа – ҳодиса ҳақида эслатилади. Бундай дейктик бирликлар “нутқ парчаларининг ёки тузилма таркибининг узвий боғлиқлигини, унинг мазмунан яхлитлигини таъминловчи занжир вазифасини бажаради” [1,101]. *Мана ўша, кўчага қараган очик айвон. Мана ўша қизғиш тувакдаги шапалоқ гул. Софья Борисовна эрининг ёнига келган кунлари посёлка бозорчасидан биринчи харид қилган нарсаси гул бўлган* (А.Мухтор). Келтирилган мисолдаги *мана ўша, кўчага қараган очик айвон* ёйиқ ҳолдаги сегмент бўлакдаги макон ифодаловчи дейкисис сўзловчи ва тингловчи учун олдиндан маълум бўлган предметга ишора қилиб, яширин пропозиция ифодаланиши учун хизмат қилган. Бу ўринда сўзловчининг бу маконда олдин ҳам бўлганлиги, қаҳрамон билан уни боғлаб турувчи қандайдир муносабат, алоқа борлигига ишора қилинади.

Бу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. *Мана, ўша тақир тепалик!... Дадаали акаларнинг қуз аёзиди дийди-*

*раган ертўласидан билинар-билинемас чуқурча қолибди, холос* (А.Мухтор). *Мана, ўша тақир тепалик!...* мисолидаги *тақир тепалик* бирикмаси айнан шу матн бўлагини аввалги матн қисмлари билан вертикал алоқасини таъминлашга хизмат қилган.

Матн қисмларини боғлашда асосий воситалардан бири такрорлар бўлиб, улар ўз ўрнида горизонтал ва вертикал такрорларга бўлинади. Горизонтал такрор бир гап доирасида бўлиб, гап таркибидаги бирор бирликнинг такрор қўлланилиши бўлиб, у гап таркибида чизикли алоқани юзага келтиради. Вертикал такрор эса, ҳар бир гап бошидаги такрор бўлиб, шеърин асарларда у ҳам вертикал алоқани таъминлашга хизмат қилади.

*Ватан, Ватан, нима ўзи кўксин ўқ тилган,*

*Ватан ўз юртидан айру, адо бўлган зўр.*

*Ватан, Ватан Машираб асли Балхда осилган,*

*Ватан – кетиб, ватанига қайтолмаган зўр* (Х.Худойбердиева) “Бугун тунда” деб номланган шеърдан олинган ушбу парчада *Ватан* сўзи вертикал такрор бўлиб, мисралараро боғлиқликни таъминлаган. *Кўксин ўқ тилган, ўз юртидан айру, адо бўлган зўр, ватанига қайтолмаган зўр* бирикмалари эса шеърда қаламга олинган *қаландарлар, дорини судраб келаётган Дукчи Эшон, совуқда қон тупурган Усмон Носир* каби бирликлар билан вертикал алоқададир.

Умуман, бадиий матндаги бирликларнинг бажараётган вазифасини англаш, ижодкор кўзда тутган мақсадни илғаш учун тил бирликларининг горизонтал алоқаси билан бирга вертикал алоқасини ҳам тадқиқ қилиш долзарб саналади. Тил бирликларининг контекстдаги эстетик вазифаси, ижодкорнинг коммуникатив мақсади матндан узиб олиниб таҳлил қилганда англамай қолиши мумкин, шундай ҳолларда абзацлар, боблар бўйича таҳлилни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Давлатова Р. Матн таркибида ишора бирликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. 2-сон. – Б.100-104.
2. Жамолитдинова Д. Бадий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик, лингвопоэтик хусусиятлари. Филология фан.номз.дисс. – Тошкент, 2009.
3. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан. 2008. – 160 б.
4. Сергеева Ю. Интраперсональная коммуникация. Психологический и лингвистический аспекты. <https://avidreaders.ru/book/intrapersonalnaya-kommunikaciya-psihologicheskiy-i-lingvisticheskiy-aspekty.html>

Раъно ДАВЛАТОВА  
филология фанлари номзоди  
Навоий давлат педагогика институти

### ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭМОЦИОНАЛ ДЕЙКСИС ВА УНИНГ ИФОДА БИРЛИКЛАРИ

Тилда инсон ҳис-туйғуларининг ифода этилиши унинг воқеликка бўлган муносабатини намоён қилиш шаклларида бири ҳисобланади. Инсонга хос ҳиссий кечинмалар, айниқса, оғзаки мулоқот жараёнида яққол кўзга ташланади. Инсон нутқида воқеликка нисбатан ҳиссий муносабатини ифода этишда тилнинг бу вазифани бажарувчи барча бирликларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан, нутқ эгасининг ҳиссий кечинмалари, эмоционал ҳолатини ўрганмай туриб, унинг нутқига баҳо бериш, коммуникатив мақсади ҳақида сўз очиш қийин. Зеро, коммуникатив мулоқот, аввало, нутқ иштирокчилари ҳис-туйғуларининг алмашинуви жараёнидир. Инсоннинг эмоционал ҳолати нафақат мулоқотнинг бошланиши учун рағбатлантирувчи вазифани бажаради, ҳатто мулоқотнинг давом этиши, тўхташи ҳам унга боғлиқ бўлади.

Англашиладики, инсон руҳиятидан дарак берувчи эмоциялар унинг борлиққа бўлган ҳиссий муносабатини акс эттиради. Психолог К.Изард «Эмоция – бу бошда кечириладиган ҳис-туйғу, у идрок, фикрлаш ва ҳаракатларни асословчи, ташкил этувчи ва бошқарувчи мавжудлик» [1, 27] эканлигини таъкидлаган эди. Шунинг учун Д.Големан туйғулар ва фикрлаш бирлиги саналган *эмоционал интеллект*нинг мавжудлигини эътироф этади [7].

Инсон эмоционал ҳолатининг тилда ифодаланиши масаласини ўрганиш мураккаб жараён. Чунки сўзловчи ўз ҳиссиётларини тил бирликлари орқали тўла-тўқис тасвирлаб беришга жуда қийналади. Тўлақонли тасвир учун нутқ эгасидан сўз бойлиги, сўз қўллаш маҳорати талаб этилади. Баъзида сўз усталари ҳам қаҳрамонларнинг эмоционал ҳолатини ёрқин ифода эта олмасликлари мумкин.

## МУНДАРИЖА

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ  
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

<b>Низомиддин МАҲМУДОВ</b> Ўзбек тили социоллингвистикасининг долзарб муаммолари .....	3
<b>Шухрат КЎЧИМОВ</b> Ўзбек тилшунослигида фанлараро интеграция ва унинг давлат ҳамда жамият тараккиётига таъсири .....	16
<b>Ёрқинжон ОДИЛОВ</b> Тил ва менталитет таъсирлашуви .....	21
<b>Абдували БЕРДИАЛИЕВ</b> Қўшма гаплар назариясига доир баъзи масалалар ҳақида .....	28
<b>Маъруфжон ЮЛДАШЕВ</b> Ўзбек тилида ретронимлар .....	36
<b>Муҳаммадхон ҲАКИМОВ, Нодирахон ДАВЛАТБОЙ қизи</b> Дейксис ва анафора ҳодисалари .....	42
<b>Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА,</b> .....	50
Дунё лексемасининг миллий-маданий ва концептуал хусусиятлари .....	50
<b>Носиржон УЛУҚОВ</b> Котиблар билан “дунёни тузатса бўлади” .....	55
<b>Абдували БЕРДИАЛИЕВ, Б. ҚЎШОҚОВА</b> Тил ижтимоий функциялари кенгайишига ҳисса қўшувчи таркибли сўзларнинг воқеланиш моделлари ҳақида .....	60
<b>Неъмат МАҲКАМОВ</b> Терминларни тартибга солишнинг айрим муаммолари .....	65
<b>Azamat URALOV</b> Fuziya va affiksoïdlar masalasi .....	70
<b>Мархабо УМУРЗОҚОВА</b> Матнда вертикал алоқа ва унинг ўзига хосликлари ҳақида .....	77

<b>Раъно ДАВЛАТОВА</b> Ўзбек тилида эмоционал дейксис ва унинг ифода бирликлари .....	83
<b>Ихтиёр ЭРМАТОВ</b> Термин сўзнинг функционал-семантик кўринишларидан бири сифатида .....	90
<b>Шаҳло ХАМРОЕВА</b> Ўзбек тили морфологик анализаторини тузишда ассоциация ташқи омонимликни фарқлаш механизми сифатида .....	95
<b>Шохиста МАХМАРАЙМОВА</b> Метафора ва эзотерик номинациялар .....	101
<b>Nargiza AHMEDOVA</b> O‘zbek tilida vatan konseptining ifodalanishi .....	109
<b>Адибахон ТЎРАХЎЖАЕВА</b> Ўзбек орфографиясининг ШАКЛЛАНИШ жараёнлари .....	114
<b>Ўткур ИСЛАМОВ</b> Маданий нуткнинг нафислиги .....	119
<b>Маъмуржон САИДХОНОВ</b> Ишораларнинг вербаллашуви ва соматик фразеологизмлар .....	126
<b>Зоҳида МУҚИМОВА</b> Ўткир Ҳошимов асарларида такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари .....	134
<b>Акмал САИДНОМАНОВ</b> Ўзбек тиббиёт терминологиясида ўзлашган қатлам .....	142
<b>Номоз КОБИЛОВ</b> Синекдоха – нуткнинг прагматик хусусиятини очиб берувчи восита .....	149
<b>Хайрулла ИБРАГИМОВ</b> Тўра Сулаймон ижодидида фитоморфик метафора (ўсимлик номлари) .....	156
<b>Наргис ҚУРБОНАЗАРОВА</b> Сурхон тўйларига оид миллий реалиялар .....	162
<b>Ma'mura NABIJONOVA</b> Erkin Vohidov ijodida paremiologik birliklar talqini .....	167